

Юрт истиқболини уйлаб яшаш — олий бахт!

Фермер

Ижтимоий-иқтисодий журнал. 2015 йил. Июнь

ЁЗНИНГ ОЛТИН ДАСТУРХОНИ

*полиз маҳсулотларини истеъмол қилишда
нималарга эътибор қилиш зарур?*

47-бет

Вазира ЭГАМБЕРДИЕВА. Хабар ва янгиликлар	2
Сарвар ОЧИЛОВ. Юқори натижалар эътирофи	4
"Кўп қулаверадиган кишига кўпам ишонма"	7
Шухратжон ЯКУБОВ. Комилжон ЭРНАЗАРОВ.	
Ҳуқуқий асос фермерлар фаолиятини янада такомиллаштиради ..	8
А.САРАБЕКОВ. Имтиёзлар имкон яратмоқда	12
Реклама	15
Илҳом МАМАТҚУЛОВ. Ғўзанинг қаттиқ чанқашига йўл қўйманг	16
Г.МИРШАРИПОВА. М.ОТАХОНОВА.	
Соя етиштиришнинг аҳамияти	19
Р.ҲАКИМОВ. М.ХОЛДОРОВ. Иккинчи экинни экиш муддатлари	20
Ботир АЗИМОВ. Баҳром АЗИМОВ. Ҳосилни қачон йиққан маъқул?	22
Нулуфар ЭРГАШЕВА. Қимматли ва шўрга чидамли	26
З.ТУРҒУНОВ. О.АБДУЖАББОРОВ.	
Озуқа ва ёқилгининг янги авлоди	28
Жўрабек ПИРНАЗАРОВ. Муҳайё АЛТИБАЕВА.	
"Дурдона" — истиқболли мош нави	29
Икром АВАЛБОЕВ. Гуруч донасидаги синоат	30
Реклама	37
Баҳодир ГАЙИБНАЗАРОВ. Ориф ҚУТЛИЕВ. Бурҳон БОЙБУЛОВ.	
Қорамоллар маҳсулдорлиги қандай оширилади?	38
Ш.ТУРДИМЕТОВ. Д.СУННАТОВА.	
Ҳосилдорлик парваришга боғлиқ	40
Нигора УРОЛОВА. Сабрдан сайқал топганлар	41
Шоҳобиддин ОРТИҚОВ. Экспорт ва импорт имкониятлари	42
Оятуллох АБДУЖАББОРОВ. "Кумуш тола" ҳосили мўл бўлди ...	45
Н.УЗОҚОВ. Ф.БОБОМУРОДОВ.	
Ловиянинг "Олтин соч" нави ҳақида	46
Сарвар САФАРОВ. Ёзнинг олтин дастурхони	47
Гўзал АБДУЛЛАЕВА. Ёзда паррандага илиган сув бериш	50
Д.ИСРОИЛОВА. Маҳбуба САЙДУЛЛАЕВА.	
Унумдор тупроқда ҳосил мўл бўлади	51
Яшна ЭМИНОВА. Шогирднинг совғаси	52
Абдухалил ҚАЙИМОВ. Ислон НАМАТОВ. Мақсуд АХМЕДОВ.	
Гуллардан яратилган асарлар	54
Омон ШУКУРОВ. Кўп қадим йўллар... ..	56
Эркин МАЛИК Бир сабоқ	58
Рамазон АШУРОВ. Кўзингиздан фаришталар қараб турар	61
Кўзмунчоқ	62
Шоҳобиддин ОРТИҚОВ. "Эркак кишининг гапи битта бўлади!"	63

Фермер

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖУРНАЛИ

МУАССИС:

«Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат
банки, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши,
З.М.Бобур номидаги халқаро жамоат
фонди таъсисчилигидаги
«Zaytun bog'lar» МЧЖ

ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси,
«Ўздонмахсулот», «Ўзкимёсаноат»
Давлат акциядорлик компаниялари,
Пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик
илмий-тадқиқот институтлари.

Бosh муҳаррир

Абдурашул ЖУМАҚУЛОВ

Таҳрир ҳайъати:

Абдихаёб ТАМИҚАЕВ
Зокиржон МАШРАБОВ
Шухрат ТИШАЕВ
Содиқжон ТУРДИЕВ
Фарҳод ОМОНОВ
Файзулло БЕРДИЕВ
Шерзодбек ЮЛДАШЕВ
Комил СИНДАРОВ
Дилфуза ҚЎЗИЕВА
(Масъул котиб)
Дилором ЁРМАТОВА

Таҳририятга келган қўл ёзма ва
суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят
фикридан фарқланиши мумкин.
Нашрдан кўчириб босилганда
«Фермер»дан олинганлиги
кўрсатилиши шарт.
e-mail: info@fermeruz.uz

Навбатчи муҳаррир:

Қурбон ЭШМАТОВ
Саҳифаловчи-диа@йнер:
Ғафуржон МАДАЛОВ
Мусаҳҳих:
Яшна ЭМИНОВА

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007 йил 11 январда 0172-сонли
гувоҳнома билан давлат рўйхатида олинган.

Босмаҳонага топширилди: 2015 йил 3 июль
соат 14:00 да. Босишга руҳсат этилди:
2015 йил 3 июль 17:00 да.
Қозғ бичими 60x84/8. Офсет усулида,
80 грамм офсет қоғозида босилди.
Шартли босма таъови 9,30.
11850 нусхада чоп этилди. Журнал таҳририят
компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Буюртма №15-512. Журнал "O'zbekiston"
НМИУ босмаҳонасида чоп этилди.



Таҳририят манзили:

100011, Тошкент шаҳри,
Алишер Навоий кўчаси, 69-уй.
Телефонлар: (0-371) 241-27-98.
241-26-81. 241-17-03. Факс: 241-16-84.
Обуна индекслари: 1147, 1148



2015 йил
№6 июль

Журнал 2007 йил
март ойидан чиқа бошлагани.

Босмаҳона
манзили:
Тошкент шаҳри,
А.Навоий кўчаси,
30-уй.

ISSN 2181-5875



СОГУВДА ЭРКИН
НАРХДА

9 772181 589001

СОЯ етиштиришнинг аҳамияти

Осиё давлатларида соя асосий ва такрорий экин сифатида экилади ва юқори ҳосил олиш агротехнологияларини ишлаб чиқиш, ўзлаштириш ва жорий этиш аҳолини оқсилли маҳсулот билан таъминлаш, атроф муҳитни экологик ҳимоя қилиш каби масалалар илмий асослаб берилган.

Ўзбекистон тупроқ иқлим шароитида ўтказилган илмий тадқиқот ишлари ҳамда жорий қилиш ишлари натижалари бўйича соя экинидан ҳар гектаридан 2,5-3,0 тонна дон ҳосили ва 300-350 центнердан кўк поя, ем-хашак олиш мумкин.

Соя экини серҳосил дуккакли экин бўлганлиги туфайли илдиз туганаклари орқали бир гектарда 70-100 кг.гача соф ҳолдаги биологик азот тўплайди. Мазкур йўл билан ҳосил бўлган биологик азот экологик тоза бўлиб, у тупроққа, сизот сувларига, истеъмолчиларга заҳарли таъсир кўрсатмайди, шунингдек, у сунъий азотли ўғитлар сингари меваларда тўпланмайди. Соя агротехник аҳамиятга ҳам эгадир, соядан сўнг дала бегона ўтлардан анча тозаланаяди, шунингдек, кўпгина экинлар учун жуда яхши ўтмишдош бўла олади. Бундан ташқари соя сидерат экин сифатида ҳам қўлланилади.

Ўзбекистон деҳқончилигида экин майдонларидан тўғри фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини яхшилаш, шу асосда дон етиштиришни, жумладан, соя навларини кўпайтириб экиш аҳолини ижтимоий – иқтисодий ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, кейинги йилларда республикада бошоқди дон экинлари майдони тобора кенгайиб бормоқда. Бу бир жиҳатдан, давлатимизнинг дон мустақиллигини таъминлаша, иккинчидан галладан бўшаган ерларга такрорий экинлар экиб, мўл-кўл ҳосил етиштириш имкониятини беради. Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлим шароити бир йилда бир май-

дондан икки марта ҳосил олишни таъминлайди. Бир вақтнинг ўзида ҳам дон, ҳам оқсил ва мой муаммоларини ҳал этадиган соя ўсимлиги ана шундай такрор экиладиган экинлар гуруҳига киради.

Аммо соя ўсимлигининг ҳосил биригига жуда кўп сув сарфланиши (нам севарлиги), амал даврида у бир гектардан 3200-5500 м³ сув ўзлаштириши, айна даврда (кеч баҳор ва ёзги мавсумда) республикада сувнинг бир оз тақчиллиги ва асосий экинларга сарфланиши лозимлиги соя экин майдонларини кенгайишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ишлаб чиқаришда қишлоқ хўжалик ходимлари томонидан қишлоқ хўжалик экинларини сугоришнинг замонавий технологиялари қўлланилиб, сувдан тежаб фойдаланилса, бу ушбу масалани ижобий ҳал этилишига ва ўз навбатида фермер хўжаликларида қўшимча даромад олишга ёрдам беради.

Чунки, олимларимиз Х. Атабаева, Қ. Мирзажонов, Д. Ёрматова, И. Исроилов, А. Рўзиев, Н. Халилов, М. Маннопова, Р. Сиддиқовлар томонидан республикада соя ўсимлигининг асосий ва такрорий экин сифатида етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, ишлаб чиқаришга тавсиялар берилган.

Бу эса Ўзбекистонда яратилган соя навларини баҳорда ва ёзда экиб, юқори ҳосил етиштириш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва алмашлаб экиш имкониятлари мавжудлигини кўрсатади.

■ **Г. МИРШАРИПОВА,**
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди,
М. ОТАХОНОВА,
изланувчи.